

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**“ZAMONAVIY TARIX FANI  
METODOLOGIYASINING  
DOLZARB MUAMMOLARI”**

**mavzusidagi  
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
KONFERENSIYA**

**MATERIALLARI**

**(2021-yil 24-mart)**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
TARIX FAKULTETI  
TARIX O‘QITISH METODIKASI KAFEDRASI**

**ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING  
DOLZARB MUAMMOLARI**

**mavzusidagi**

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari**

**2021-yil 24-mart**

**NAVOIY-2021**

## ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ҶЎКИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

М.Б.Қурбонова – БухДУ Бухоро тарихи  
кафедраси доценти, т.ф.н.

Б.Б.Умаров - БухДУ Бухоро тарихи  
кафедраси магистранти

### Аннотация

Мақолада масофавий таълим жараёнида тарих дарсларини юқори савияда ташкил қилиш, дарслар билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечими ва истиқболлари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** масофавий таълим, рақамли таълим технологиялари, вебинар, онлайн семинар ва дарслар, мультимедиа, гиперматнли қўлланмалар, масофавий мулоқот.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ янги, инновацион ёндашувлар, ўқув жараёнини виртуал лойиҳалаш, таълим жараёнига масофавий таълим (dlearning) шакллари кенг татбиқ этиш, рақамли-таълим технологиялари (Moodle, eFront, Chamilo, ILIAS, Open Elms, Sakai, Dokeos ва ш.к.) асосида таълим олувчиларнинг мустақил (индивидуал) таълим жараёнини шакллантиришда замонавий дастурлаштирилган таълим воситалари кенг татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, The Open University (Буюк Британия), Princeton University (АҚШ), Cyber University (Жанубий Корея)ларда таълим сифатининг рақамли технологиялар асосида доимий такомиллаштирилиб борилишига алоҳида эътибор берилмоқда [1: 336-337].

Ўзбекистонда хорижий таълим тажрибалари асосида фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш имконини берадиган таълим платформаларини яратиш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн семинарлар ва дарсларни амалиётга кенг жорий этишнинг меъёрий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги устувор вазифалар белгиланди [1]. Натижада масофавий таълим жараёнларини замон талабларига мос равишда рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштиришга ҳаракатлар бошланди ва жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ҳозирги вақтда компьютердан фойдаланиш саводхонлиги, шунинг билан бирга юқори даражада ривожланган рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб келганлиги барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Мультимедиа, гиперматнли қўлланмаларининг яратила бошлаганлиги, мавзуга оид маълумотларнинг тўлиқ бера олиш имкониятининг пайдо бўлганлиги, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар ўртасида масофавий мулоқотнинг вужудга келиши таълим жараёнини ташкил қилишни анча енгиллаштиради [2: 105-110].

Масофавий таълимни ижтимоий фанларда жорий қилиниши ҳам ўзига хос ютуқ, муаммо ва унинг самарали ечимларини излаш билан боғлиқ жиҳатларни ташкил этади. Хусусан тарих, этнография, археология ва бошқа фанларни ўзлаштиришда ва қўллашда масофавий таълим тури анча сифатлидир. Халқаро тадқиқот услубларидан ўқитувчилар билан бир қаторда талабаларнинг ўзи ҳам фойдаланади. Бироқ ушбу таълим турида ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Бу муаммолар дарс жараёнини электрон ташкил қилиш ва ахборот технологияларидан тўлиқ фойдалана олмасликда намоён бўлади [3: 17-20]. Муаммоларнинг ечимини топишда тадқиқотчилар шундай хулосага келишдики: талабаларнинг билим фаолиятини ривожлантириш зарур. Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсадаги асосий мақсади когнитив фаолиятни фаол ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдир, уларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан билим маконининг хилма-хиллигига боғлиқ. Шу билан бирга масофавий таълим технологиялари қуйидаги қўшимча талабларга жавоб бера олиши зарур:

1. Адаптация (таълим олувчининг ўз шахси, турар-жой шароити, молиявий аҳволи, психологик ва физиологик хусусиятларига кўра таълим жараёнига мослаша олиши зарурлигидир).

2. Иқтисодий мувофиқлик (бу талаб таълим тизимини молиялаштиришда маблағлар миқдорининг чекланганлигини билдиради).

3. Ўзгарувчанлик (таълим сифати ва мазмунини тезкор, изчил, узлуксиз янгилаб бориш, ўқув манбалари ва материалларини модернизациялаш зарурлигини англатади).

4. Назорат (ўқитишнинг барча босқичларида таълим натижаларини сифатли назорат қилиш, тингловчи шахсини аниқлаш муҳимлигини ифодалайди).

Ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишда бу тизимда фаолият олиб боровчи ўқитувчилар малакасини оширишга юқори талаблар қўйилади. Ўқитувчи малака ошириш тизимига келишлари билан таълим бериш субъектидан таълим олиш объектига айланади ва ўқув жараёнидаги ўзаро муносабатлар характери ўзгаради.

Тарих фанларини масофавий ўқитиш юқорида айтиб ўтилган талаблардан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Тарих фанларини, хусусан Жаҳон этнологияси фанини масофавий ўқитишда талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш энг аввало дарсни ташкил қилувчи профессор-ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи рақамли таълим технологияларидан, шунингдек, дарс жараёни ташкиллаштириладиган платформадан яхши фойдалана олиши лозим.

Дарсларни Moodle платформасида онлайн ташкил қилинганда, талабаларга мавзуга оид қизиқарли маълумотлар билан бирга албатта слайдлар, видеодарслар, аудиодарслар тақдим этилиши лозим. Бунда энг муҳим жиҳат слайдларнинг, видео ва аудиодарсларнинг профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланганлигидадир. Мисол учун Жаҳон этнологияси фанини ўқитиш жараёнида халқларни таснифлашга оид мавзуларда халқнинг ирки, дини, тили, миллати, яшаш ҳудуди ҳақидаги маълумотларни слайдларни ва анимацион видеоларни тақдим этиш нафақат дарс сифатини балки талабаларнинг билимлар даражасини оширади. Рус, инглиз ва бошқа хорижий тиллардан хабардорлик ҳам бевосита ушбу жараёнга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Масофавий дарсларни қизиқарли яқунлашда дастурчилар томонидан яратилган турли хилдаги QUIZ (Викторина) дастурлардан фойдаланиб, тузилган тестларни талабаларга тақдим этиш мумкин. Бу биринчидан, талабарнинг билимларини мустаҳкамлаш учун муҳим ҳисобланса, иккинчидан талабалар орасида ўз билимларни синаш усули бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам ривожланиш жадаллик билан кечмоқда. Масофавий таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Moodle, Nemis платформаларидаги контентлар ёрдамида тарих дарсларини юқори савияда ташкил қилишда рақамли таълим технологияларидан яхши фойдалана олишни замоннинг ўзи тақазо этмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бекчанова Ш.Б. Масофавий таълимда индивидуал таълимни ривожлантириш учун blended learning технологиялари // Ijodkor o'qituvchi. –Farg'ona. 2021. –В. 336-337
2. <https://lex.uz/docs/4751561>
3. Суворинов А.В., Осин Л.В. Мультимедиа среда образования в эпохе глобальных компьютерных технологий // Проблемы информатизации Высшей школы. М., 1998. № 1-2 (11-12). С. 105-110.
4. Демкин В.П., Вымятнин В.М., Можяева Г.В., Тарунина Г.А. Дистанционное обучение в гуманитарном образовании И Интернет – новая информационная среда исторической науки. Барнаул, 1998. С. 17-20.

### **ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Ж.А.Абдукаримов** - т.ф.н., доцент

**А.А.Ҳомидов** - т.ф.н., доцент

Академик Б. Гафуров номидаги Хужанд давлат университети

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада замонавий таълимдаги баҳолаш технологияси ҳақида сўз боради. Олийгоҳларимиздаги тарих факультетларида ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган замонавий дарслар, бу дарсларда ўқувчиларни баҳолаш ўрта умумтаълим мактабларида 6 – синфда ўтиладиган умумий тарих фани мисолида кўрсатиб берилган.

**Калиг сўзлар:** Инновация, тарих дарси, кроссворд, формула, магнит доска, харита.

XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, башариятнинг, Ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, ёшларни эзгуликка, инсофдиёнат, меҳр-оқибат ва бағри кенгликка даъват этишга қаратилган тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириши талаб этилади. Эндиги, биз педагогларнинг вазифамиз замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукамал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур [ 6, 18].

Олий ўқув юрларида, ўрта умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишда ижодкор ўқитувчи турли методлардан фойдаланиб дарс ўтишга ҳаракат қилади. Тарих ўқитиш деганда тарихий материал воситасида ўқувчиларга билим бериш, уларни ҳуқуқий демократик ва маънавиятини юқори

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ П.Сативалдиев – Навоий давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси тадқиқотчиси.....	235
ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ М.Б.Курбонова –БухДУ Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н. Б.Б.Умаров - БухДУ Бухоро тарихи кафедраси магистранти.....	237
ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ Ж.А.Абдукаримов - т.ф.н., доцент А.А.Ҳомидов - т.ф.н., доцент Академик Б. Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети.....	238
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ (РАДИО МИСОЛИДА) М.М.Темирова, ҚДПИ ўқитувчиси Ж.И.Охунов, ҚДПИ тарих факултети 1- босқич талабаси.....	240
PEDAGOGIK TEXNOLIGIYALAR ASOSIDA TARBIYA TEXNOLOGIYALARINI TASHKIL ETISH V.Ashirov, O'.Shonazarov, mustaqil tadqiqotchilar, NavDPI.....	242
UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARI O'ZBEKISTON TARIXI FANINI O'QITISHDA TARIXIY MAVZUDAGI MINIATYURA SAN'ATI MATERIALLARIDAN FOYDALANISH A.S.Ahadov, NavDPI o'qituvchisi.....	244
МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИНЦИПОВ СИММЕТРИИ И ДИССИМЕТРИИ В МОЛЕКУЛЯРНОЙ ФИЗИКЕ У.Р. Бекпулатов, доктор философии (PhD) по философским наукам, и.о. доцент кафедры “Методика преподавания физики и астрономии”, НавГПИ.....	245
ФОРМИРОВАНИЕ СИНЕРГЕТИЧЕСКОГО СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЫ У.Р. Бекпулатов, М.Б. Исламова Навоийский государственный педагогический институт.....	248
BUYUK OLIM UMAR HAYYOM VA UNING TARIXIY-ILMIY MEROSI G.A.Yunusova, mustaqil tadqiqotchi Buxoro davlat tibbiyot instituti.....	252
RAQAMLARNING MAVJUDLIGI: FALSAFIY NUQTAI NAZARDAN M.A.Sadullayeva, mustaqil tadqiqotchi Buxoro davlat tibbiyot instituti.....	253
AL-XORAZMIYNING MATEMATIKA FANI TARIXIDA TUTGAN O'RNI VA ASARLARINING ILMIY ANAMIYATI F.Qobilova - Navoiy shahar 16-AFCHO'M matematika fani o'qituvchisi.....	254
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК МЕТОДИКАЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Г.Р.Эшмуродова, Навоий вилояти Зарафшон шаҳар 11-АФЧЎИДУМ бошланғич синф ўқитувчиси.....	255
МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ И ИНФОРМАЦИОННО- КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА М.А.Мубинов– преподаватель, БГУ.....	257